ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

UZBEK LAW REVIEW

ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА УЗБЕКИСТАНА

2015

№4

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Сайдилла Саидахрарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – ю.ф.д., доцент.
Исламходжаев Хасан Суратович – ю.ф.д., доцент.
Рахимов Фахри Хайдарович – ю.ф.д., профессор.
Оқюлов Омонбой – ю.ф.д., профессор.
Имомов Нурилло Файзуллаевич – ю.ф.д., доцент.
Эсанова Замира Нормуротовна – ю.ф.д., доцент.
Шодманов Фурқат Юсупович – ю.ф.д., профессор.
Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д., профессор.
Шамухамедова Замира Шаисламовна – ю.ф.д., доцент.
Эргашев Восит Ёқубович – ю.ф.н., доцент.
Холмўминов Жуманазар Тоштемирович – ю.ф.д., профессор.
Файзиев Шухрат Хасанович – ю.ф.д., профессор.
Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна – ю.ф.д., профессор.
Зуфаров Рустам Ахмедович – ю.ф.д., профессор.
Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович – ю.ф.д., профессор.
Тошев Бобоқул Норқобилович – ю.ф.д., профессор.
Рустамбеков Исломбек Рустамбекович – ю.ф.н., доцент.

Маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш сўралади:
Гулямов Сайдилла Саидахрарович,
Рустамбеков Исломбек Рустамбекович
ТДЮУ, Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи кафедраси, Ёш олимлар кенгаши
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36 (1073)

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.

Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.**

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.

2016 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университетига мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**
Нашриёт муҳаррири: **Н. Ниязова**
Техник муҳаррир: **Ш. Хўжаев**
Лицензия № 02-0074
Босишга рухсат этилди – 04.01.2016
Нашриёт ҳисоб табоғи – 5
«IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди
Адади – 100 нусха.

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ *4/2015*

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ

Х.Одилқориев
Конституция табиатининг серқирралиги ва унинг моҳиятини англаш масъулияти 5

Х.Исламходжаев
Маъмурий процедуралар оммавий бошқарувнинг самарадорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий воситаси сифатида 10

С.Аширбоева, С.Барлибоева
Қонун ҳужжатлари матнидаги типик аномал ҳолатларни коррекциялаш масалалари 15

О.Қурбонов
Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий жиҳатлари 17

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ

Ш.Рўзиназаров
Суднинг қарори юридик факт сифатида 20

А.Ғайбуллаев
Товар омборида омонат сақлаш шартномасининг тадбиркорлик фаолиятидаги ўрни 23

И.Ҳамидов
Мутлоқ ва мутлоқ бўлмаган ҳуқуқлар – мазмуни, фарқи ва муаллифлик шартномасида мустаҳкамланиши 26

Б.Болиев
Франшизинг – тадбиркорликни юритишнинг ўзига хос ҳуқуқий конструкцияси сифатида 29

Ф.Урманбаева
Васийлик ва ҳомийликнинг фуқаролик ва оила ҳуқуқининг институти сифатидаги аҳамияти 33

Н.Азизов
Хўжалик ишлари бўйича процессуал ҳужжатлар ва уларни расмийлаштиришнинг назарий-амалий жиҳатлари 37

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

У.Холиқулов
Мамлакатни модернизация қилишда жиноят ҳуқуқининг аҳамияти 40

М.Уразалиев
Гиёҳвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этиш 43

Б.Муминов
Жиноят процесси ва молиявий назорат тизимида тафтишнинг ўрни ва аҳамияти 46

Д.Каримова
Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни терговга қадар текширувини амалга оширишда терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари 49

Д.Бекматова
Жиноий таъқиб фаолиятининг хусусиятлари ва бугунги ҳолати — тарихи, замонавий ҳолати, қонунчилик таҳлили 53

ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

И.Рустамбеков
Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишнинг истиқболлари 56

М.Салиев, Э.Хайруллаев
Медиация институтини қўллашнинг илғор амалиёти: Европпа Иттифоқи айрим давлатларининг тажрибаси 60

У.Кодиров
Ҳиндистон ва Бангладеш давлатларинг анклав масалалари ечишдаги тажрибаси: цессия ва ҳудуд ижараси 63

Б.Мусаев
Тарафларнинг тенглиги халқаро хусусий ҳуқуқий меҳнат муносабатларининг асоси сифатида 65

С.Гафурова
Чет давлатлардаги фуқаролар ҳуқуқлари консуллик ҳимоясининг ҳуқуқий моҳияти 70

Э.Ахунджанов
Халқаро кўламда темир йўл транспортида юк ташиш тушунчаси ва турларини аниқлашга оид назарий қарашлар 73

А.Якубов
Ташқи иқтисодий фаолиятнинг юридик табиати 77

ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ

Н.Скрипников, Э.Қурбонов
Ер мелиорациясини ҳуқуқий тартибга солиш: қиёсий таҳлил 80

О.Утегенов
Жамоат экологик назоратига оид қонунчиликнинг ривожланиш босқичлари ва замонавий ҳолати 83

М.Нурматов
Ер учун ҳақ тўлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари 85

Н.Азизов,
Тошкент давлат юридик университети
"Молия, банк ва солиқ ҳуқуқи" кафедраси мудири

ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада хўжалик ишлари бўйича процессуал ҳужжатлар ва уларни расмийлаштиришнинг назарий-амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Хўжалик ишлари бўйича процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган. Хўжалик ишлари бўйича процессуал ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш, шахсларнинг хўжалик судига электрон мурожаат қилишлари каби масалалар ҳамда суд амалиётидаги айрим процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришда вужудга келиши мумкин бўлган хатоликлар ҳақида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: Хўжалик процесси, процессуал ҳужжатлар, ҳал қилув қарори, қарор, суд буйруғи, ажрим.

Аннотация: в данной статье исследованы процессуальные акты по хозяйственным делам, а также теоретические и практические аспекты их оформления. Введены предложения по совершенствованию оформления процессуальных актов по хозяйственным делам. Высказаны мнения о правильном оформлении процессуальных актов, вопросы обращения лиц в суд в электронной форме, а также некоторые ошибки, возникающие в практике при оформлении процессуальных актов.

Ключевые слова: Хозяйственный процесс, процессуальные акты, решение, постановление, судебный приказ, определение.

Annotation: in this article it was researched the procedural acts on economical cases and theoretical and practical aspects of their registration. It was put forward the proposals on the improvement the registration of procedural acts on economical cases. It was said opinion about the right registration of procedural acts, the issues of applying to the courts on electronically, as well as the some mistakes that are appearing in practice in the process of registration of procedural acts.

Key words: Economical process, the procedural acts, the court decisions, decision, court order, ruling.

Суд ишларини юритиш тартибини белгиловчи хўжалик процессуал қонунчилик тизимини такомиллаштириш, қонунчиликдаги мавжуд нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни кучайтириш билан боғлиқ муаммоларни илмий, амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш, бу борада юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиш ҳамда уларни миллий қонунчилик тизимига жорий этиш масалаларини тадқиқ қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, хўжалик судлари томонидан 2012 йилда жами 345.611 та ва 2013 йилда 235.150 та иш кўриб ҳал этилган. Биргина 2015 йил 9 ойи давомида 217 258 та иш кўриб чиқилган [1]. Бу ўз-ўзидан суд ишларини юритишда процессуал ҳужжатларнинг аҳамиятини ва уларни расмийлаштиришга бўлган талабни янада кучайтиради.

Шу маънода мазкур масаланинг, яъни биринчи инстанция хўжалик судларда процессуал ҳужжатлар ва уларни расмийлаштиришнинг назарий-амалий жиҳатлари долзарблигини қуйидагилар орқали асослантириш мумкин:

Биринчидан, келиб чиқаётган низолар бўйича суд ва бошқа органларга мурожаатларни расмийлаштириш воситаларини татбиқ этишда муайян қулайликлар яратиш, шахсларнинг суд ва бошқа органларга мурожаатларини мумкин қадар соддалаштириш механизмини ишлаб чиқиш зарурияти сезилади;

Иккинчидан, давлатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар мазмунини фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектларга тушунтириш, уларга иш фаолиятида қулайликлар яратиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишнинг зарурияти;

Учинчидан, хўжалик ишлари бўйича судга мурожаат қилувчи субъектлар (жисмоний ва юридик шахслар)нинг процессуал ҳужжатларни тайёрлаш, суд жараёнида уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларидан тўлақонли фойдаланишларига етарли шароит яратиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш механизмини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятида тезкорлик ҳамда қулайлик яратиш, уларда хўжалик ишлари бўйича процессуал ҳужжатлар ҳақида асосий тушунча, кўникма ва билим ҳосил қилиш бугунги кунда долзарб масала ҳисобланади;

Тўртинчидан, хўжалик судлари амалиёти, адвокатура ва ҳакамлик судлари фаолиятида процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш қоидаларини бирхиллаштириш, уларни моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари, тегишли қонун ҳужжатлари ва Олий хўжалик суди Пленуми қарорларининг тушунтиришларига инобатга олган ҳолда чиқарилишини таъминлаш (муаллиф изоҳи - ҳакамлик судлари бундан мустасно) ва натижада суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашга эришиш зарурияти сезилади.

Шу ўринда хўжалик судига даъво, илтимоснома ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда маълумотлар алмашишнинг электрон воситалари орқали мурожаат қилиш имконияти берилишини таъминлаш мақсадида мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар хўжалик судига ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкинлигини назарда тутувчи норма билан тўлдирилди. Ундан ташқари, ХПКнинг даъво аризалар ва аризаларнинг мазмуни ва шаклига нисбатан талабларни белгиловчи моддаларига ариза билан мурожаат қилган шахсларнинг телефонлари, факслари рақамлари ва электрон манзили кўрсатилиши мумкинлигини назарда тутувчи нормалар киритилди (ХПКнинг 104, 112-моддалари). Худди шу каби талаблар даъво аризаси юзасидан бериладиган фикр-мулоҳазаларга ҳам татбиқ этилди (ХПКнинг 119-моддаси) [2]. Хўжалик процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан яна бири бу маълумотлар алмашишнинг электрон воситалари орқали суд муҳокамаси қатнашчиларини хабардор қилиш имкониятини яратиш билан боғлиқдир.

Масалан, муқаддам мазкур кодекснинг 124-моддаси ишда иштирок этувчи шахслар судда кўриладиган вақт ва жой тўғрисида суднинг ажрими орқали хабардор қилинишини, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан юборилишини назарда тутган бўлса, эндиликда мазкур қоидага қўшимча сифатида ушбу шахсларга тилхат олиб топширилиши ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилиниши каби талаблар белгиланди. Шунингдек, агар ишда иштирок этувчи шахслар телефонлари ва факслари рақамларини, электрон манзилини хўжалик судига маълум қилган бўлсалар, улар ишни юритиш вақтида бу маълумотлар ўзгарганлиги ҳақида хўжалик судини ёзма шаклда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилишлари кераклиги ҳақидаги талаблар ҳам назарда тутилди (ХПКнинг 121-моддаси). Ушбу қоидалар ва талаблар электрон процессуал ҳужжатлар ҳам тузилиши мумкинлигини кўрсатади.

Хўжалик процессуал кодексининг бир неча моддаларида хўжалик судлари томонидан чиқариладиган процессуал ҳужжатларнинг номлари ва уларнинг мазмуни аниқ кўрсатиб ўтилган. Хўжалик судлари томонидан қуйидаги процессуал ҳужжатлар қабул қилинади: ҳал қилув қарорлари, қарорлар, ажримлар, суд буйруғи, суд баённомалари, суд чақирув қоғозлари ва хабарномалар ва ижро варақалари. Процессуал ҳужжатларнинг хўжалик судлов ишларини юритишнинг босқичлари бўйича ҳам алоҳида турлари ва хусусиятлари мавжуд.

Бундан ташқари, хўжалик ишлари бўйича процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришни ўрганишда фуқаролик судлари томонидан чиқариладиган процессуал ҳужжатларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари кўзга кўринади. Лекин фуқаролик судларида иш юритиш жиҳатидан хўжалик судларида иш юритиш ва ишларни кўриш инстанциялари, ҳал қилув қарорлари, ажримларининг мазмун-моҳияти, уларнинг кучга кириш муддатлари, судда иштирок этувчи шахслар тоифаси билан фарқланади.

Суд амалиётини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, оддийгина ҳал қилув қарори (қарор)нинг кириш қисмида мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг ваколатлари кўрсатилиши тўғрисидаги қоидаларга амал қилинмаётганлиги аниқланмоқда. Хусусан Қашқадарё вилоят Адлия бошқармаси "Ёғ" қўшма корхонаси манфаатида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар "Обод" фермер хўжалигидан 2.122.200 сўм ундиришни сўраган (муаллиф изоҳи – мазкур низодаги номлар ўзгартириб ёзилди). Даъво аризаси суднинг 2011 йил 25 январдаги ажрими билан иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 2011 йил 11 февралга тайинланган. Бироқ, шу куни суд мажлисида жавобгар иштироки таъминланмаганлиги сабабли, ишни кўриш 17 февралга қолдирилган. Суд 2011 йил 17 февралда ишни мазмунан кўриб чиқиб, даъво талабини қисман қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган [3].

Аммо ҳал қилув қарорининг кириш қисмида шу кунги суд мажлисида даъвогар вакили Ф.Марипов иштирок этаётганлиги кўрсатилган бўлса-да, унга суд мажлисида иштирок этиш учун берилган ишончноманинг санаси, тартиб рақами ва ким томонидан берилганлиги кўрсатилмаган. Ваҳоланки, ХПК 138-моддасининг учинчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорининг кириш қисмида уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, суд мажлиси котиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилади.

Шунингдек, Олий хўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 161-сонли қарори 5-бандининг учинчи қисмида қарорнинг кириш қисмида қарорни қабул қилган суднинг номи, суд таркиби, ишнинг тартиб рақами, суд муҳокамаси санаси ва жойи, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, суд мажлисида қатнашаётган шахсларнинг ваколатлари кўрсатилган ҳолда фамилиялари, шунингдек ишнинг ёпиқ ёки очиқ, сайёр суд мажлисида кўриб чиқилганлиги кўрсатилиши ҳақида тушунтириш берилган. Бундан ташқари, ишда мавжуд бўлган даъвогар томонидан Ф.Марипов номига берилган ишончнома мазкур иш 1795-сонли ишда вакил сифатида қатнашиш учун эмас, балки 1791-сонли бошқа ишда даъвогар манфаатларини ҳимоя қилиш учун берилганлиги аниқланган.

Суд ҳужжатлари албатта асосли, адолатли ва қонуний бўлиши лозим. Шу маънода, судлар томонидан чиқарилаётган ҳужжатларнинг кўпчилик қисми процессуал ва моддий нормаларнинг бузилиши натижасида бекор бўлмоқда. Хусусан, процессуал ҳужжатлар шаклига ва мазмунига қўйилган талабларни, суд амалиётида кўплаб учраётган хатоликлар, ўз ечимини топмаган муаммоли вазиятларни ўрганиш ва тегишли тавсия ҳамда таклифларни ишлаб чиқиш лозим. Биргина суд буйруғи билан боғлиқ ишлар бўйича фуқаролик ишлари бўйича ҳамда хўжалик судларининг суд буйруқларининг расмийлаштирилиши турли хил. Бундан ташқари, хўжалик ишлари бўйича суд амалиётидан бўйича мисол тариқасида айрим процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришда хатоликларни келтириш мумкин:

– ҳал қилув қарори (қарор)нинг кириш қисмида мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг ваколатлари кўрсатилмаслиги;

– ҳал қилув қарори (қарор)нинг кириш қисмида суд муҳокамаси ўтказилган жой ва ишнинг ёпиқ ёки очиқ, сайёр суд мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаслиги;

– ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъво аризаси юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришларининг қисқача баёни ифодаланиши;

– ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари ва бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларга асос бўлган далиллар кўрсатилмаслиги;

– ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида низони ҳал этишда суд таянган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилмаслиги;

– ишда учинчи шахслар иштирок этганда суд қарорларида ишга жалб қилинган учинчи шахснинг процессуал мақоми аниқ белгиланиши кераклигига;

– ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида хўжалик судининг ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган важлари кўрсатилмаслиги;

– давлат органи ҳужжатини ҳақиқи эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса

қисмида талаб қаноатлантирилган ёки уни қаноатлантириш рад этилган бўлишидан қатъий назар ҳақиқий эмас деб топиш сўралаётган ҳужжатнинг номи, тартиб рақами, чиқарилган санаси, бошқа зарур реквизитлари ва уни чиқарган орган тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаганлиги;

– ҳуқуқий таъсир чораси, жумладан, молиявий жазо тайинланмасдан, балки қўлланилишига аҳамият берилмаслиги;

– пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида асосий қарз, зарарлар, неустойка алоҳида-алоҳида аниқланган ҳолда ундириладиган сумманинг умумий миқдори кўрсатилмаётганлиги;

– ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилмасдан ҳал қилув қарори чиқарилганлиги каби бир қатор процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришдаги хатоларни келтириш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида хўжалик процессуал қонунчилигини ва одил судловни амалга ошириш шакли бўлган процессуал ҳужжатлар бўйича қуйидаги таклифлар берилади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда ХПКга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, эндиликда ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протест) беришга ҳақлидир. Бироқ суд буйруғини бекор қилиш ҳуқуқи фақат қарздорга берилган. Суд буйруғининг устидан эса апелляция шикояти берилмайди. Шу сабабли ХПКнинг 111-моддасига қуйидаги қўшимча киритиш таклиф этилади:

"Шунингдек, агар қарздор мавжуд бўлмаган ҳолатда ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ёки қонун талабларига номувофиқ бўлган суд буйруғи **қабул қилинган шахслар хўжалик судининг суд буйруғи бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин".**

Шунга ўхшаш қоидалар масалан Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 148-моддасида ҳам мавжуд.

Иккинчидан, ХПКнинг III бўлими "Ҳал қилув қарорларини қайта кўриш бўйича иш юритиш" деб номланади. Бизнинг фикримизча, фақат ҳал қилув қарорлари қайта кўрилмайди. Бундан ташқари хўжалик судининг ажримлари ҳам қайта кўрилиши мумкинлиги сабабли, ушбу бўлимни "Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қайта кўриш" деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ХПКнинг 219-моддасида суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисида норма белгиланган бўлиб, унда фақат даъво ишлари бўйича агар ижро этилган суд ҳужжати ўзгартирилиб ёки бекор қилиниб, даъвони тўла ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса, ёхуд даъво кўрмасдан қолдирилса, бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича даъвогар фойдасига ундирилган ҳамма нарса жавобгарга қайтарилиши англашинилади. Бироқ бу ерда суд буйруғи бўйича ҳам қайтарма ижро бўлиши мумкинлиги тўғрисида суд амалиётида муаммолар учраб турибди. Тўғри, Олий хўжалик суди Пленумининг 2013 йил 5 декабрдаги "Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 254-сон Қарорининг 18-бандида суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга бўлганлиги сабабли қайтарма ижроси тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бўйича тушунтириш берилган бўлса-да, ушбу қоидаларни айнан ХПКда акс этиши мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, судлар фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш бўйича яратилаётган шарт-шароитларнинг давоми сифатида суд жараёнларини видео, аудио қайд этишни, шунингдек суд жараёнлари стенографиясининг янги турларини ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, фақат электрон почта орқали эмас, балки онлайн равишда хўжалик суди сайти орқали процессуал ҳужжатларнинг мазмуни билан судлов жараёни иштирокчилари электрон танишиш имконияти берилиши мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, суд ҳужжатлари бўлмиш процессуал ҳужжатлар, хусусан, ҳал қилув қарори, қарор, суд буйруғи, ажрим, суд мажлиси баённомаси юзасидан асосий тушунча ва қоидаларни ўрганиш ҳамда ушбу процессуал ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришнинг назарий-амалий масалаларини тадқиқ этиш ҳамда суд амалиётини умумлаштириш материалларидан фойдаланган ҳолда процессуал ҳужжатларнинг шакли ва мазмунига қўйилган талабларни ишлаб чиқиш, суднинг процессуал ҳужжатлари намуналари ва амалиётда учраётган хатоликларнинг таҳлилини ўз ичига олган, судларда иш юритишни ва процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришнинг назарий-амалий масалаларини қамраб олган "Хўжалик ишлари бўйича процессуал ҳужжатлар намуналари ва уларни расмийлаштиришнинг назарий-амалий масалалари" номли монография чоп этиш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг расмий веб сайти. http://oxs.uz.

2. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси (ЎзР 30.08.1997 й. 478-I-сон Қонуни билан тасдиқланган), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси". 1997. –№ 9, 234-модда (2015 йил 20 августда энг сўнгги киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда).

3. Суд амалиётини умумлаштириш материаллари тўплами (кўчирмалар). Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди. – Т.: «Niso Poligraf» нашриёти, 2015. –Б 640.